



Эски шаҳар «чека»си атрофинда



Икки йил энди ярим ёрти хукумат ишлари ўз кўлимиизга берилиб келадир. Бизнинг учун ўлка масштабинда иш кўрмок (озгина истисно ила) тўгри келмаса хам шаҳар, уяз, кишлек ишларимиз ўзимизга топширилди. Икки йилдан бери баъзи жузъий ишларимизни ўзимиз юритиб келамиз. Табиий, илгарирок идораларимиз бошига ўлтурган меҳмонлар тажрибасизликдан идора ишинда ўзларини тута олмаганликдан в...лардан халкни ташвиш остинда колдириб келдилар. Инкилоб тўлкуни босила тушди, сув тинди. Кимни ким эганлиги аниклана бошлаб, иш бошига хакикий халк хизматчилари бўлган номзодларгина ўткузулди.

Ўткузулди, аммо айни бир фожиъа каршисига фахмим етди. Бу, ўзимииздан идора ишларини юргузарлик иш кишилари йўқдиги эди. Табиий Некалай истибоди ила биз идора ишларидан четка кокиб, хайвон каби майшат этмокга мажбур айладик. Аммо инкилобдан сўнг бизга керакли иш кишиларни хозирламок эди. Буни ишнинг кетиши хам бизга сездирар эди. Лекин биз бунга эътибор этмадик. «Бўлар-кетар»да давом этдик, аммо бунинг натижаси бу кун каршимизда гавдаланиб турадир.

Хозир идора ишларимизни юргумокга кишимиз йўқ, табиий, руслардан кўямиз. Лекин руслар бизнинг тилимизга, урф-одатимизга бутунлай таниш эмас. Ишка русдан хизматчи олсак тил билмайдир, ёнига бир таржимон берай десак, бизда таржимон анконинг тухуми! Мана фожиъа!..

Мен бизнинг идорамиздаги оксовни шу лахзада деб билганлигимдан бу кундан эътиборан иш кишилари хозирлов чораларига киришувли ўз ахлининг ёдига тушуриб ўтаман. Бу кундан бўлак тадбирига киришмасак келажакда мундан хам ёмонрок натижалар беруви кўз олдиладир.

Эски шахар ЧеКаси(ЧеKa — Чрезвичайная комиссия, Фавкулодда Комиссия.) (тергов хайъати) уч-тўрт давр кечириб, бир неча хоинлар кўлинда ноҳак ўюн бўлган кунлари хам бўлди. Аммо сўнгги вактларда ўзимиизнинг муктадири халк ходими(муктадир — фидойи.) бўлган кишиларимизни бу ўрунга кўйдик. Дарвокиъ, бу ўрунга лаёкатли деб билган кишиларимиз хозиргилар бўлиб, булардан бошқа лаёкатлигини топмок бизнинг учун гайри мумкин эди. Лекин иш шундог бўлса хам Эски шахар тергов хайъати ўз табиий холинда бора олмайдир. Бунинг сабаби маълум: — иш кишиларимизнинг йўклиги!

Шу якин орада тергов хайъати ўринлашган бинода ёнгин вokiъ бўлиб, бир неча кунлар ЧеКанинг ишлари тўхтамокга мажбур бўлди. Хайъат раиси Эргаш ўрток Нурмухаммад ўгли на учундур бир неча бора хизматдан озод этилувни сўраб истеъфо берди эсада, кабул этилмади шекилли, у хамон истеъфосинда исрор этади.(исрор этмок, — катгик киришмок.)

Эшитилган сўзларга караганда, Эргаш ўртокни юкори доиралар хизматига олинув эҳтимол тутиладир. Хар холда Эргаш ўрток фидойи халк хизматчиси бўлганлигидан бу ўртоқдан фойдали хизматлар кутулса бўладир.

Эргаш ўртокни бу ўрундан олинган такдирда Крайкомнинг лаёкатли кишини таъйин этувига ишонамиз. Аммо илгариги холларнинг такрор этилмови кўзда тутилурга тевиш. Жубой.

1920 йил. 3 март
Абдулла Кодирийдан